



## «ЖАННАТМОНАНД ДИЁРИНГИЗГА МАФТУНМИЗ»

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, энг улуг ва энг азиз байрамимизга қизгин тараддуд кўрилаётгани, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этаётганига шохид бўласиз. Мамлакатимиз ўзининг тарихий обидалари, гўзал табии ва замонавий шаҳарлари, бетақор маданияти, ибратли урф-одат ва аъёналари билан сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда. Шу кунларда Фарғона шаҳри кўчаларида ҳам кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

**Лимона Форнес Рамон (Испания):** Мамлакатингиз ҳақида кўп эшитганман. Испанияда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон каби шаҳарларни кўришга орзуманд кишилар кўп. Улар қатори мен ҳам Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, машҳур зиёратгоҳларини кўришни орзу қилардим. Орзуим ушлаганидан, юртингизнинг диққатга сазовор жойлари, қадимий шаҳар ва ёдгорликлари билан танишиш, меҳмондўст халқингиз билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлга-

нимдан гоёт хурсандман. Европа ва Лотин Америкаси давлатларида бўлганман. Ўзбекистон қадимий ёдгорликлари билан кишиларни ўзига жалб этади.

Биз, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар замон талабларига тўла жавоб беради.

**Моранди Анна Марсиа (Италия):**

— Юртингизга келганимга кўп бўлгани йўқ. Лекин Фарғона водийси билан яқиндан танишишга улгурдим. Олтин водийнинг тоза

(Давоми 2-бетда).

## ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамиятни модернизация қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.**

Мазкур дастуриламал ҳужжатда устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга оид қонунчилик та-

шаббустларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Зотан, Президентимиз таъ-

кидлаганидек, ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўп партиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Маълумки, яқинда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кирди. Бу эса, ўз навбатида, рўёбга чиқарилаётган ислохотларнинг муваффақиятини

намоён қилувчи омиллар — мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръати, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, уларнинг юрт тақдирини ва келажагига бўлган дахлдорлик ҳиссини янада оширишга пойдевор бўлди.

Конституциямизга Бош вазирнинг номзоди Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан тақдиф этилиши, парламентга Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдирилиши ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқларини бериш, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ваколатларидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳақидаги нормани чиқариш кабиларни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шулар асосида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга парла-

мент назорати ва унинг узвий қисмлари — парламент сўрови ҳамда парламент эшитуви механизмлари такомиллаштириб боришмоқда. Бу конституциявий нормалар, шу жумладан, Конституциянинг 78-моддасида мустақамлаб қўйилган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш қонун устуворлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Барчамизга аёнки, парламент эшитуви ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади. Бойси, унда юрт равнақи, эл фаровонлигига дахлдор масалалар муҳокама қилинади.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси олдидан

Маълумки, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда банкротлик муносабатларини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, корхоналарнинг лаёқатсиз мулкдорларини янгилаш, самарасиз корхоналар фаолиятини тугатиш, стратегик корхоналарни сақлаб қолиш ҳамда уларни ривожлантиришда банкротлик тартиб-таомилларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди.

## БАНКРОТЛИКНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш талабидир

Президентимизнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштириш шохсидидаги устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш белгилаб берилди.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу ҳужжат талаблари, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган демократик

бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга оид қонунчилик ташаббусларига йўғун ҳолда ишлаб чиқилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини чуқур таҳлил қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тугатиш ва улар ўрнида юксак салоҳиятга эга корхоналар ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунда, албатта, банкротликнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ҳўжалик суди мажлисидан камида ўн кун олдин ўтказилиши назарда тутилган. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ушбу муддат 5 кунга, ҳўжалик судига кредиторлар йиғилиши баённомасини топшириш муддати эса икки кунга қисқартирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### «Бунёдкор — 2011»

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами яқинлашаётган шу дамларда юртимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Бу эса ҳар биримизни ана шу хайрли ишларга дахлдор бўлишга ундаётир.**

## НИЯТЛАРИ ЭЗГУ, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ

Масалан, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатларида бажарилаётган ишларни олайлик. Навқирон авлоднинг шижоатига қараб, эзгулик элни бирлаштиради, деган нақл нақадар ҳаётий эканлигига амин бўласан, киши. Айни кунларда Бухоро вилоятида 2264 нафар йигит-қиз “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатига аъзо бўлган. Уларнинг 1691

нафари вилоятдаги мавжуд тўртта олий ўқув юрти талабалари, 573 нафари эса маҳаллий ёшлардан иборат. Шу кунларда Тошкент ирригация ва мелiorация институтини Бухоро филиали учун янги ўқув биноси қурилмоқда. Мазкур мажмуада “Бухоро — 20-ТРЕСТ” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари билан ёнма-ён ишлаётган бир гуруҳ талаба-ёшларни учратдик.

(Давоми 4-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● **ГУЛИСТОН** шаҳрида “Биз 20 ёшда-миз” шiori остида “Ёз — 2011” спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 1133 нафар ўқувчи стол теннис, баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, енгил атлетика, сузиш ҳамда шахмат каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Яқунда голиблар диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

● **УЗУН** туманидаги “Турон садоқати” хусусий корхонасида гилам, дўппи ва турли ўлчамдаги саватлар тўқиш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 55 миллион сўм сарфланди.

● **Хотин-қизлар кўмитаси** ҳамда “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорликда ташкил этаётган “Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг НАМАНГАН вилояти босқичи ўтказилди. Пироваддида Поп туманидаги Чортоқ маҳалласи маслаҳатчиси Озодахон Ҳакимова биринчи ўринни эгаллади.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси САМАРҚАНД вилояти бўлими ташаббуси билан “Ёшлик” истироҳат боғида “Айтил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?” деб номланган адабий-муסיқий томоша уюштирилди. Унда шоир ва ёзувчилар ҳамда танқили санъаткорлар иштирок этди.

● **ПАХТАОБОД** туманидаги “Тўққизбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини эндиликда мухташам бинода фаолият кўрсатмоқда. Гап шундаки, тумандаги “Охунбобо”, “Мирҳомидбой” фермер хўжаликлари ҳамда ўнлаб тадбиркорлар кўмаги билан гузар барпо этилди. Туман газлаштириш идораси эса бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида, хусусан, янги ўқув йилида ҳам муваффақиятли билим олишида барча жойларда ташкил этилган мактаб бозорлари ва ярмаркалари муҳим ўрин тутмоқда.**

Ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши, келажақда етуқ шахс бўлиб қамолга етишини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз таълим тизимидида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу эзгу мақсадга ҳамоҳанглиги билан янада аҳамиятлйдир. Энг муҳими, ёшларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай ўсиб-улғайишлари учун яратилаётган бундай беқийс имкониятлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

### Арафа

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг илм-фан, санъат ва спорт йўналишларида қўлга киритаётган халқаро миқёсдаги муваффақиятлари бугун ҳар биримизнинг кўнглимизга фахр ҳиссини солиши, шубҳасиз.

Янги ўқув йили арафасида интилувчан ва илмга қанқоқ ёшларга ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида яна бир хайрли ишга кўл урилди. Аниқроғи, жорий йилнинг

1 августидан то ўқув йили бошлангунига қадар Халқ таълими вазирлиги тизимидидаги ўқув масканлари қошида шаҳар ва туманлар марказида фаолият кўрсатаётган Мактаб ярмаркалари ва бозорларининг мингдан зиёд шохобчалари ташкил этилди. Айни пайтда ушбу шохобчаларда юз турга яқин ўқув қуроллари, 2 — 9-синфлар учун мўлжалланган дарсликлар, ўқувчуслар ки-

йим-боши ҳамда пойабзаллари сотуви йўлга қўйилмоқда.

— Мактабимиз ярмаркасида ўттиз хилга яқин ўқув анжомлари ва турли фасларга мос ўқувчилар кийим-боши ўрин олган, — дейди пойтахтимиздаги 326-сонли давлат иқтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Норхўжа Раҳимхўжаев. — Ушбу ўқув қуроллари давлат таълим стандартларига мос

дизайнда сифатли қилиб тайёрланган. Ўқув даргоҳимиз миллий ҳунармандчилик йўналишига ихтисослаштирилганлиги боис барча ўқув қуроллари шунга мувофиқ келиши учун ҳаракат қилинди. Етақич савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчилар билан имзоланган шартномаларга мувофиқ, ярмарка маҳсулотлари мактабга ўз вақтида келтирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

майдонлари ушбу тавсия асосида культивация қилинаётгани тудайли ҳосил элементларига асло зарар етказилмаёпти.

Аслида культивация бир кун кечиктирилса ҳам зиён. Гап шундаки, нами қонган тупроқнинг юзаси ёрилиб, ишловдан сўнг кесак пайдо бўлади. Оқибатда таралган сув бугланиб, унинг сарфи кўпаяди. Сув тақчиллиги кузатилаётган жорий мавсумда бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун соҳа мутахассислари фермерлар, сувчи ва механизаторларга йўл-йўриқ кўрсатиб, яқиндан ёрдам беришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ — «ЯГОНА ОЙНА» ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА

**Мамлакатимизда “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “ягона ойна” принципи бўйича хизмат кўрсатадиган дастлабки олтига пункти очилди. Миҳозлар бир ерининг ўзида қайд этилган телефон алоқа, интернет хизматлар, CDMA-450 стандартидаги стационар ва мобил алоқа хизматларидан фойдаланиши мумкин.**

Пойтахтимизда Тошкентдаги иккита, Нукус шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги биттадан — жами олтига офисни бир вақтнинг ўзида тармоқча улаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х. Мухиддинов ва бошқалар истиклол йилларида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар телекоммуникация хизматлари даражасини сезиларли равишда ошириш имконини берганини таъкидладилар. Телекоммуникация тармоғи мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини, аҳолига хиз-

мат кўрсатиш даражасини ривожлантириш ишига салмоқли хисса қўшмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошмоқда, янги техника ва технологиялар жорий этилмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, магистраль халқаро ва вилоятлар ичидаги алоқа линиялари радио оптик толали кабель ҳамда рақамли радиореле линиялар ётқизилди, энг янги телевизион ва радио узатиш мосламалари модернизация қилинди ҳамда ўрнатилди, худудларда CDMA стандартидаги симсиз радио тизими татбиқ этилди.

(Давоми 2-бетда).



# ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг регламентларида ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нукта назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллаш механизми шакллантирилди. Бундан ташқари, эшитувда кўриб чи-

қиладиган масалаларни чуқур ўрганиш ва асосли хулосалар чиқариш учун депутатлар ишчи гуруҳларининг жойларга чиқиб келишини ташкиллаштириш йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда, зарур маълумотларни олиш ҳамда уларни таҳлил этиш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш аънанаси мавжуд. Булар Концепцияда мустаҳкамлаб қўйилган парламент назоратини кучайтириш бўйича вазифалар, парламент аъзоларига берилган ҳуқуқ ва масъулият, ваколатларни юқори савияда амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Маълумки, Юртбошимиз мукаммал қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш устувор вазифа эканлигини доимо таъкидлаб келади. Бу, шубҳасиз, парламент эшитувини ташкил этишда ҳам бош тамойилдир. Шу маънода, қўйи палата тадбирларида тегишли вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитиш,

уларнинг иштирокини таъминлаш ҳар жиҳатдан, айникса, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини мустаҳкамлашда жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган вазифа-

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда мустаҳкамлаб қўйилган устувор йўналишларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, хусусан, жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтиришда айнаи мудаодир. Бу эса юрт тараққиёти ва эл фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Муҳаббат ТЎХТАЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК



(Давоми. Боши 1-бетда).

Етти ёшли Аҳмаджон Абдуллаев мазкур мактабнинг интидорли ўқувчилар синфига қабул қилинди. У илк бор ўқувчилар либосини кияётганидан беҳад хурсанд. Онаси ҳам Аҳмаджоннинг қувончига шерик бўлар экан, гурур билан шундай дейди:

— Фарзандимизнинг илм ва ҳунарга қизиқишини ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Аҳмаджон боғча ёшиданоқ инглиз тилини ўргана бошлади. Ҳозир эса ёғоч ўймакорлиги ҳунари бўйича маҳалламиздаги устакхонада таълим олаяпти. Шунинг учун ҳам унинг миллий ҳунаرمандчиликка ихтисослаштирилган

мактабда ўқишини истайди. Ўғлимни ўқувчилар либосида кўриб, кўнглим ҳаяжонга тўлди. Бугун унга кийим-бошдан ташқари, ўқув қуроллари ва дарслиқлар харид қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жойларда ташкил этилган Мактаб ярмаркалари ва уларнинг

шохобчаларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда “Ўзбекентиласаноат” давлат-акциядорлик компанияси, “Ўзбекчарм-поябзали” ҳамда “Ўзул-гуржисавдонинвест” ушумалари томонидан амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**  
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**  
**олган сўратлар.**

## Миқдор ортди, сифат яхшиланди

**Избоскан туманидаги полипропилен коплар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Узандлюкестекстиль” корхонасида лойиҳа қиймати 392,5 минг АҚШ долларлилик модернизация тадбирлари амалга оширилди.**

Пировардида бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми беш баробарга ортиши билан бирга, махсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди. Айни пайтда 50 киши меҳнат қилаётган корхонада шу йилнинг ўтган даврида 114,2 миллион сўмлик махсулот тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, туманда жорий йилнинг биринчи ярмида шу каби яна 5 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилди.

**Андижон**  
**томонларда**

## Буюртмачилар мамнун

**Шахрихон туманилик тadbиркор Шерзодбек Зокиров ташаббуси билан қаровсиз ётган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонага айлантирилди.**

Ҳозир 30 киши иш билан таъминланган ушбу “Тембет-инвестпроуп” корхонасида дастлабки 50 миллион сўмликдан ортиқ турли ҳажмдаги биталар, зинапоярлар ҳамда электр тармоқлари учун бетон устунлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилади.

Эътиборлиси, туманда шу йилнинг биринчи ярмида биргина кичик бизнес субъектлари кучи билан 1551 та иш ўрни яратилди.

**Одилжон ШОДМАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПАРВАРИШДАГИ АСОСИЙ ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, августнинг биринчи ўн кунлигида эсан гармсел шамолини ҳисобга олиб, бу ойда ғўзага нисбатан кам, яъни гектарига 800 — 900 кубометр сув сарфлаб, тез-тез сугоришни тавсия қилаямиз. Бу тўпланган ҳосилни сақлаб қолишнинг энг синналган усулларидан саналади.

Бу йил сув тақчиллигини юмшатишда илгор тажриба ва илмий та-

сильлар асосида иш юритилаётгани айнаи мудао бўлаяпти. Сугоришни ҳар уч эгатдан кейин бир эгат қолдириш — шундай усуллардан бири. Бу нафақат обиҳаётни иқтисод қилишда, балки тўпроқ орасида фойдали ҳашаротларнинг сақланиб қолишида, ғўзанинг говлаши ва пастки ярусидagi қўсақлар касалланишининг олдини олишда қўл келади.

Шу кунларда ҳарорат нисбатан пастайди. Бу қўсақкурти, ўргимчаккана,

# БАНКРОТЛИКНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш талабидир**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунда, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш ҳўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юриштишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан амалдаги уч ой ўрнига, икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўриб чиқилиши лозимлиги белгиланмоқда.

Қонунда қарздор корхонани (бизнесни) сотиш очик кимовиди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилиши ва бу ҳақдаги эълон расмий нашрда чоп этилиши назарда тутилмоқда. Эълонда кўрсатилган муддатда бирорта талабнома келиб тушмаган ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, қарздор корхонани (бизнесни) сотиш бўйича кимовиди савдоси амалга ошмаган, деб топилади ва такрорий савдо ўтказилади. Агар такрорий кимовиди савдоси амалга ошмаган деб топилса, ташки бошқарувчи кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ, корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни йигирма кун ичида матбуотда эълон қилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пайсаятирилиши мумкин, бироқ бу аввалги кимовиди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Маълумки, амалдаги Қонуннинг 142 ва 143-моддаларига кўра, банкрот корхонанинг мол-мулки бир йил муддат мобайнида сотилмаса, у кредиторларга қарзни узиш учун тақлиф этилади. Агар кредиторлар мол-мулкни қабул қилишни рад этса, ҳўжалик судининг ажрими билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига ўтказилади. Бироқ бундай

тартиб банкрот корхонанинг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзлари узилмасдан қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 48 ва 50-моддаларида солиқ ҳамда мажбурий тўловларни тўлаш фақатгина пул маблағлари шаклида амалга оширилиши белгиланган, яъни солиқ органларига мол-мулкларни ўз тасарруфига қабул қилиш ваколати берилмаган. Бу эса амалиётда юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, қонун ҳужжатларидаги айрим номувофиқликларга барҳам бериш зарурлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар амалдаги Қонуннинг 134, 142 ва 143-моддаларига тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар, шунингдек, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздор банкрот корхона мол-мулкнини маҳаллий давлат ҳокимияти тасарруфига ўтказиш, давлат мулкнини бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан бу мол-мулкни реализация қилиш ва келиб тушган маблағларни қарзни узишга йўналтиришни назарда тутувчи 142-моддани киритиш заруратини туддирди. Ушбу моддага кўра, барча навбатдаги кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этганда, мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг сотишга тақлиф қилинган, лекин тугатишга

доир иш юриштиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказилади. Бунда қарздорнинг мол-мулки тўғрисида тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида мол-мулкни ўз тасарруфига олади ҳамда уни сақлаб туришга доир барча мажбуриятларни бажаради. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки бўйин товланган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси тегишли органини мазкур мол-мулкни қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Бунда ҳўжалик суди мол-мулк маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансига ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юриштишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

Шунингдек, Қонунда кредиторларнинг банкрот корхоналарни тезроқ ва самарали тугатиш бўйича масъулиятини ошириш мақсадида уларга тегишли қарорни қабул қилиши учун 10 кунлик муддат белгилаш ҳамда кредиторлар сотувга қўйилган, лекин реализация қилинмаган мол-мулкни қабул қилишни рад этган ҳолларда, ушбу мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига ўтказиб бериш муддатини 15 кунгача қисқартириш ҳам белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, амалдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар бозор ислохотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, банкротлик тартиб-таомилларини соддалаштириш ва ортиқча вақт ҳамда харажат сарфининг олдини олиш орқали банкротлик муносабатларини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Қ. ЭРҒАШЕВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий**  
**ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.**

**Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши томонидан Истиклолимизнинг 20 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилган жамоатчилик марказлари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ ТАФТИ

Тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Боқибоев ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётида юз берган бекиёс янгиланишларни таъкидлаб, бу борада нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизнинг муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этди.

Бугун жойларда 9 мингдан ортиқ жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан олиб борилаётган эзгу ишлар эса ибратга лойиқдир. Маҳаллаларда истикомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийларининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ўзгалар парварishi ва ёрдамига муҳтож кексаларга кўмаклашиш, ёш авлодни Батанга садоқат

руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган мазкур марказлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичида учта йўналиш бўйича ғолиблар тақдирланди.

### Тadbир

— Мамлакатимизда ёши улугларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда, — дейди кўрик-танловнинг “Энг яхши жамоатчилик маркази” йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган Фаргона вилояти, Фурқат тумани, “Калдуш” маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик маркази раиси Эркинжон Аҳмедов. — Нуронийларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, йўл-йўриқ

кўрсатиши, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрини ёш авлодга тўғри тушунтириб, савобли ишларимизга оқ фотиҳа бериб тургани кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда.

Танловда, шунингдек, “Энг ибратли жамоатчилик маркази”, “Энг фаол жамоатчилик маркази” йўналишларида вазирлиқлар, ташкилот ва муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қошида ташкил этилган жамоатчилик марказлари раислари ҳам тақдирландилар.

Кўрик-танловнинг асосий учта йўналиши бўйича ғолибларга фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари топширилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ – «ЯГОНА ОЙНА» ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси жорий йил охиригача мамлакатимизда “ягона ойна” принципи бўйича 50 та брендланган абонент пунктларини жиҳозлаш ишларини амалга оширади.

Бугун миллий телекоммуникация оператори ўз тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Компания замонавий технологиялар базасида оператор ва провайдерларга кайд этилган ҳамда мобиль алоқа каналларини ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, овозли алоқа ва маълумотлар узатиш турлари, интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференц-

алоқа, CDMA-450 стандартидаги мобиль ҳамда стационар алоқа, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналларни ташкил қилиш каби хизматларни тақдим этмоқда.

2010 йилда “SGS” сертификатлаш органи “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясига ISO 9001:2008 халқаро стандартларига мувофиқлик сертификатини топширди. Жорий йилда компания ва унинг таркибий бўлимлари хизматларини тақлиф этишнинг ягона визуал комплекс стратегиясини яратишга қаратилган “Ўзбектелеком”нинг янги бренд ҳамда суббрендлари кенг жорий этилмоқда.

**В. НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Умуман олганда, мўл ҳосил яратишга аҳд қилган вилоят фермерлари асадда ғўза оралаб, уни шамоллатиш, бегона ўтлардан тозалаш, ёншоқларини чилиши ва бошқа агротехника юмушларини бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. Тажрибали деҳқонлар табири билан айтганда, бу билан ғўзалар “йўғотилапти”. Бундай экин мағзи тўқ ва баракали ҳосил тўплаши муқаррардир.

**Яраш БЎРИЕВ,**  
**Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Қошқодорё филиали бўлими бошлиғи.**

**ЎЗРТХБ** котиловкалари сўм/кг

УН олий нав 713,7 ▼ - 27,4

УН биринчи нав 522,7 ▼ - 4,3

УН иккинчи нав 466,5 ▼ - 2,7

ПАХТА ЁФИ 1708,9 ▲ + 18,5

СУЛЬФАТ АММОНИЙ 215,9 ▼ - 3,3





## XALQ BANKI

**Истиқлол, барча жабҳаларда бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам тармоқни ривожлантиришнинг кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу тўғрисида иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда банклар асосий бўлган ҳисоблангани ҳақидаги фикрлари ва банклар фаолиятини ҳар жиҳатдан барқарорлаштириш борасидаги қатор Фармон ва қарорлари соҳада туб бурилиш ясади. Табиийки, бу тарихий ҳужжатлар давлат-тижорат Халқ банки фаолиятининг жадал ривожланиши учун ҳам дастуриламал бўлди. Хусусан, биз бу борадаги самарали ишларни банкнинг жорий йил ўтган даври мобайнидаги кўрсаткичларида ҳам кузатишимиз мумкин.**

Халқ банки шу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат иқтисодиётидаги ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, янгиланиш ва модернизациялашнинг давом эттириш, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури бажарилишини таъминлаш, тизимдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда аҳоли ва ҳўжалик субъектларига сервис хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш борасида қабул қилинган қарорлар, шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижроси бўйича аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга оширди. Натижада банкнинг жами капитали йил бошидагига нисбатан 2,2 млрд. сўмга ёки 101,1 фоизга ортиб, 201,6 млрд. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам банк фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Қарор ижросининг самарали ташкил этилиши натижасида 2011 йилнинг кредит портфели ҳажми 781,9 млрд. сўмга етди. Унинг 655,4 млрд. сўми ёки 83,8 фоизини узоқ муддатли кредитлардир.

### Кредитлар — иқтисодиётимиз ривожини йўлдош

Дарҳақиқат, ишбилармон одам имкони йўқдек туюлган мушкул ва мураккаб ишларнинг ҳам уddасидан чиқди. Ўртимизда эса бундай зукко ва зеҳний кишилар жуда кўп. Мустақиллик уларнинг тадбиркорлигига кенг имкон берди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди, Халқ банки ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида 146,1 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Уларнинг 15,3 млрд. сўми саноат, 31,8 млрд. сўми қишлоқ ҳўжалиги, 28,6 млрд. сўми савдо, 17,1 млрд. сўми қурилиш, 18 млрд. сўми маиший хизмат ва 35,3 млрд. сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Маиший хизмат кўрсатиш объектларига кредитлар ажратиш тўғрисида”ги қарори тадбиркорларга чин маънода қўл келди, аниқроғи, уларнинг кучига куч қўшди. Ушбу қарор ижроси тўғрисида йил охирида бўлмоқда, турмуш

фаровонлашаётир. Биргина ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги “Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишбилармонларга 27 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Натижада биринчи чорак учун белгиланган режа 131,6 фоизга бажарил-

ди. Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес соҳаси вақилларига 29 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши ҳам банкнинг хайрли ишлари сирасига кириди. Аслида бу биринчи ярим йиллик учун белгиланган режа 130,5 фоизга бажарилди, дегани ҳамдир. Эътиборлиси, жами ажратилган кредитлар эвазига жойларда 12 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

### Аёл — фидойи ва яратувчи шахс

Бугунги аёл нафақат хонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунавар қиладиган зот, балки оиламизга ҳам файзу барокат киритиладиган, юртни обод этиб, элни фаровонлаштиришга улкан ҳисса қўлувчи тадбиркор ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўллаб қарорларни мавжуд. Уларда аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиши учун шaroит яратиш кўзда тутилган. Бугунги кунда Халқ банкида амалга оширилаётган ишлар ҳам айнан ушбу қарорлар ижросига уйғундир. Жумладан, 4597 нафар тадбиркор аёлга 19,4 млрд. сўм кредитлар ажратилди, бизнес лойиҳалари молиялаштирилган. Бу йўналишда белгиланган режа 145,8 фоизга бажарилди. Хусусан, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланадиган (аёлларнинг

сони 50 фоиздан юқори бўлган) ва аёллар бошқарадиган микрофирма, кичик корхона ҳамда фермер ҳўжаликларига 10 млрд. сўм, оилавий қорвчиликни ривожлантириш учун кам таъминланган аёлларга 4,5 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шу давр мобайнида банк филиаллари томонидан шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда чорвачилиқни ривожлантириш учун 4036 нафар фуқарога 10,1 млрд. сўмдан ортиқ (шундан меҳнат билан бандлик маблағлари 79 млн. сўм) микрокредитлар ажратилди. Шу жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2011 йил биринчи ярим йиллиги давомида 3954 нафар фуқарога 10 млрд. сўмдан зиёд микрокредитлар берилди.

Банк жамоаси яқинда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун яна бир хайрли ва истикболли лойиҳага қўл урди. Давлат-тижорат Халқ банки ва Германия Жамғарма кассалари фонди ўртасида тайёрланган қўшма ҳамкорлик лойиҳасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда

риш, солиқ-бюджет сиёсати ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бу жараёнларни мунтазам назорат этиб бориш зарур бўлади. Негаки, ҳисобини билган одамнинг ҳамиша ҳамёни бутундир.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Халқ банки бошқаруви ва ҳудудий филиалларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 5 августдаги “Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 27 мартдаги “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эътиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари амалий йўриқнома вазифасини ўтади.

Бу қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳаётий заруратга айланди. Айнан шу мақсадда аҳоли ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги де-

пайтдаёқ қарор ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Банк филиаллари айни пайтда ҳам ушбу йўналишда аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга оширмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фуқароларга 5 та муддатли, жамғариб бориладиган ҳамда жозибали янги ютуқли омонат турлари тақлиф этилди. Депозитларга аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш, омонатчилар учун қулай ва манфаатли шартларга асосланган янги омонат турларини жорий этиш ишлари янада фаоллаштирилмоқда. Уларни кенг омма орасида тарғиб қилиш ишлари кучай-

тирилди. Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатга банк депозитларига жалб этишни



та чакана савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига 11088 та терминал ўрнатилиб, ҳозир миқозларга самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бундан таш-

хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминлаб, тўловларни қабул қилишнинг анъанавий усулларидан воз кечишга шароит туғдирди. Янги технологиялар қўлланилиши банкнинг миқозларга янада ақинроқ бўлишига, миқоз уйда туриб ҳафта-нинг етти куниди ҳам кечаю кундуз ўз ҳисобини бошқаришга ва хизматларга тўловларни амалга оширишда вақтни тежашига имконият яратади. “Уяли пул” тизими, яъни ушбу янгиллик Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлару миқозларга муносиб совға бўлди, десак асло муболагаси йўқ.

Бугунги кунда Халқ банкининг қадами етмаган қишлоқ ва овул қолмади, ҳисоб. Жамоа эндиликда миқозларга тобора яқинлашмоқда, уларга самарали банк хизмати кўрсатиш пайидан бўлмоқда. Банк қишлоқ жойларида аҳоли, дехқон ва фермер ҳўжаликлари-га, кичик корхоналарга қулайликлар яратиш, банк ва миқоз муносабатларини янада мустаҳкамлаш, коммунал ҳамда бошқа тўловларни қабул қилиш мақсадида жойлардаги мини-банк ва шохобчалар фаолиятини янада ривожлантирмоқда.

Шунингдек, Халқ банкида ҳодимларни аҳоли ва миқозлар билан янада ақинлаштириш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида “Call center” ахборот маркази жорий этилди. Мазкур тизим орқали миқозлар ишонч телефонлари орқали хоҳлаган пайтда банк масъул ҳодимлари билан, зарурий ҳолларда эса, банк раҳбарияти билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш имконига эга бўлиши. Ушбу ахборот марказининг яна бир афзаллиги шундаки, тизим орқали қабул қилинган тақлиф ва шикоятлар ҳар кун 24 соат давомида автоматик равишда тезкорлик билан марказий аппаратнинг тегишли мутахассислари ёки банк раҳбарияти томонидан ўрганиб чиқилиб, зарурий чоралар кўриш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, банк билан миқозлар ўртасидаги самарали ва ишончли ҳамкорлиқни кучайтирмоқда.

### Халқ банки миқозларига яна бир қулайлик яратилди

Доимо изланишда бўлган банк жамоаси яқинда яна бир янгилликка қўл урди. Замонавий телекоммуникация технологияларидан фойдаланиб масофавий банк хизматларини татбиқ этган ҳолда 24 соат давомида ишлайдиган янги “Уяли пул” тизимини жорий қилди. Энг сўнгги илгор технологиялар асосида яратилган ушбу тизим ягона базага жамланган бўлиб, ҳар қандай миқоз интернет ёки мобил ва уй телефони орқали нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки дунёнинг исталган шаҳридан туриб, ўз ҳисоб рақамидан бохабар бўлиши мумкин. Мазкур тизим

Албатта, одамларнинг оғирини енгил, мушкулни осон этиш, энг муҳими, уларнинг ишончига кириш — масъулиятли вазифа. Бунинг учун ҳар қим, аввало, ўзига ишоними, ўз куч-қудратига ва салоҳиятини тўғри қамалай билиши керак. Зеро, юртдошларимизнинг давлат-тижорат Халқ банкига нисбатан бугунги ишончи ҳам ўз-ўзидан бўлган эмас. Бу доимий, ҳар кунги, ҳар соатлик фидойи меҳнат ва улкан сый-ҳаракатларнинг самарасидир. Банк ҳодимларининг таъкидлашича, бундай фидойиларча меҳнат қилишни улар ўзларининг муқаддас бурчи, деб билишади. Президентимизнинг банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари уларга куч-қувват бағишлаб, тизимда янгилликлар яратишга ундаб туради. Энг муҳими, одамларнинг ишончи уларни янгидан-янги муваффақиятлар сари етаклаб, ташаббускорликка ундамоқда. Айни вақтда жамоа Халқ банки, намунали ва сифатли хизмат, ҳодимлар муомаласи ҳамда миқозларга юқори даражада шароит яратиш орқали “Халқ ишонган банк” бўлишини ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган.

Халқ банки матбуот хизмати.

# МИЖЗОЗ ИШОНЧИ — ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

Сирдарё ва Навоий вилоятлари филиаллари томонидан фаолиятини янгидан бошлаётган тадбиркор аёлларга, яъни аёллар раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш кўзда тутилган бўлиб, мазкур ҳамкорлик лойиҳасига биноан, фонд томонидан 70 минг евро миқдориди, шунингдек, Халқ банки томонидан ҳам 70 минг евронинг сўм эквивалентини маблағлар билан қатнашиш режалаштирилган. 2011 йил давомида ушбу йўналиш бўйича Сирдарё вилояти ҳудудий филиали томонидан 133,3 млн. сўм ва Навоий вилояти ҳудудий филиали томонидан 83 млн. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ушбу лойиҳа бўйича ажратилган кредитларнинг қайтарилган маблағларидан яна кредит ажратилиши эвазига мазкур кўрсаткич 26 млн. сўмни ташкил этди. Қисқача айтганда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 20 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эзгу ишлар йил охирига қадар давом эттирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан жойлардаги филиаллар самарали ишларни бажаришди. Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3317 нафар оилага жами 28,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу маблағларнинг 16,1 млрд. сўми 531 нафар оилага ипотека, 6,3 млрд. сўми 1210 нафар оилага истеъмол кредити, 5,8 млрд. сўми 1576 нафар оилага микрокредит сифатида берилди. Мазкур йўналишдаги ишлар ҳам жорий йилнинг олти ойи учун кўзда тутилганга нисбатан ортиғи билан бажарилди.

### Ҳисобини биланнинг ҳамёни бутун

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, табиийки, жуда кўп омишлар талаб этади. Хусусан, пул муомаласини барқарорлашти-

позит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг кечиктирилмаи ва узлуксиз тўланишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жойларда нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа ҳўжалик субъектларида савдо қоидаларига риоя этилиши, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналаридан белгиланган тартибда фойдаланиш қатъий назоратга олинди. Савдо тушумларининг банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши таъминланди. Айнан ушбу маблағлар ҳисобига ижтимоий ва барча турдаги тўловларни амалга ошириш чоралари кўрилди. 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида банк кассаларига жами 1 триллион 698 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари кира қилинди. Аниқроғи, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 271,7 млрд. сўмга кўп демакдир. Шу жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, савдо тушумлари 213,9 млрд. сўмга ортиб, 852 млрд. сўми, пуллик хизматлардан тушум 36,6 млрд. сўмга ортиб, 206,8 млрд. сўми, коммунал тўловлар ҳажми эса 14,9 млрд. сўмга ортиб, 115,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Бу, ўз навбатида, банкнинг миқозлари олдидида қўний мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имкониятини яратмоқда.

### Изланиш — муваффақиятлар гарови

Халқимизда ўзганинг мулки кўз гавҳаридек асраб-авайланган. Табиийки, ўзга мулкни асраш масъулияти ҳам қатта бўлади. Айниқса, аҳоли омонатларини асраш, уларни ҳар томонлама кафолатлаш банклар фаолиятида муҳим ўрин тутди. Негаки, бу масъулият миқоз жалб этиш баробарида уларнинг ишончини қозониш, сафини кенгайтириш каби омилларга ҳам асос яратади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банкларини депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Халқ банки жамоаси учун қундалик иш мезонига айланди ҳамда келажадаги фаолият дастурини белгилаб берди, десак янгиланмаймиз. Жамоа ўша

### Аҳоли даромадлари — банк айланмасига

Эътироф этиш керакки, банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 2008 — 2010 йиллар давомида аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш ва нақд пул ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурида белгиланган режага ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Банк муассасасларида нақд пул маблағларидан самарали фойдаланиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилган тадбирлар якунида 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, жами эмиссия қилинган пластик қарточкалар сони 1 млн. 24,7 минг донадан оширилди. Шу йилнинг ўтган даврида 196,4 мингта электрон тўлов воситаси муомалаларга чиқарилди. Пластик қарточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса жойларда 12400 та, шу жумладан, 1312

## ТАНЛОВ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида “Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда ҳудудларда иш олиб бораётган 870 дан ортиқ маҳалла маслаҳатчилари орасидан саралаб олинган энг муносиб номзодлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида маҳалла институтини ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли сифатида ижтимоий ҳаётимизда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари авваллари давлат ҳокимияти тузилмалари зим-

масида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни бажармоқда. Бу, ўз навбатида, маҳалла маслаҳатчиларига янада қатта масъулият юклайди. Танловда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда Ангрен шаҳридаги Улугбек маҳалласи маслаҳатчиси Раъно Хайитқуллова голиб, деб топилди. Шунингдек, “Энг тадбиркор маслаҳатчи”, “Маҳалла ёшлари жонқуяри”, “Алоҳида фаизлатлари учун” каби йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар номи аниқланди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ»

акциядорлик компаниясининг имтиёзли акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар диққатига! Сизга тегишли бўлган дивиденд пулларининг тўловини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида тижорат банкларининг талабномасига кўра, компанияга паспортингиз нусхасини тақдим қилишингизни сўраймиз.

«Ўзнефтьмахсулот» АК манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли қўчаси, 143-уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 269-04-72.

10611/985

UZTRANS-GAZ

«ЎЗТРАНСГАЗ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорлиқни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ҳодимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

7549/987

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги

«Тўрақўрғон Ширишлик Агро» агрофирма қўшма корхонаси кредиторлари диққатига!

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Тўрақўрғон Ширишлик Агро» агрофирма қўшма корхонаси Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ, «Хадикент» МФЙ юридик манзилида жойлашган бўлиб, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 5 январда 49-сон билан рўйхатга олинган.

Агрофирма таъсисчиларининг 2011 йил 25 июлдаги 3-сонли йиғилиш баённомаси қарорига асосан, агрофирма устав фонди қамайитилишини маълум қилади.

Эътирозлар қўйидаги манзилда қабул қилинади: Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Наманган қўчаси, 2-уй. Телефон: (8-369) 442-24-80.

10621/986

“Трансўлқурилиш” компанияси давлат унитар корхонаси жамоаси Жанубий ҳудудий мобил пункти Ғузор бўлими бошлиғи Умаржон Назаровга волидан муҳтарамаси ОЙНИҲОЛ онанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## БАХТИМ ШУКИ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН!

**Барчамиз яхши эслаймиз, бундан 20 йиллар олдин юртдошларимиз оддий касаллик учун ҳам марказга югуришарди. Аксига олиб, марказий жойларда ҳам аниқ ташхис қўйиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи ночор эди. Президентимизга раҳмат! Мустақиллигининг илк йилларидаюқ мамлакатимизда тиббиёт тизими тубдан ислоҳ қилинди.**

Бу инсонга, жамиятнинг энг катта бойлиги — аҳоли саломатлигига бўлган доимий ғамхўрлик натижасидир. Бевосита Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда аҳоли соғлиғини сақлаш борасида ўзига хос, бетакрор ва ибрат олишга лойиқ ислохотлар амалга оширилди. Бу янгиланишлар халқроқ микёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

### Истиқлол шукуҳи

Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолига энг яқин бўлган — бирламчи бўғинига қаратилаётган эътибор туфайли минглаб кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар қад ростлади ҳамда уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юқори малакали кадрлар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, илк бора жойларда, ҳатто, энг олис кишлоқ врачлик пунктларида ҳам, ҳар ойда профессор ва етук малакали шифокорларнинг бир ҳафталик консултацияларини ташкил этиш аънаънага айланди.

Истиқлол йилларида, шунингдек, биз, тиббиёт соҳаси ходимлари Германия, АКШ, Япония, Буюк Британия, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатлардаги мутахассислар билан тажриба алмашиб, анжуманларда қатнашиб ва малака ошириш имкониятига эга бўлдик. Илгари бундай тажриба алмашувни фақат оруз қилиш мумкин эди, холос. Утган йили хориж сафари чоғида чет эллик ҳамкасбларимиздан бири “Бахтлимисиз?” деб сўраб қолди. “Ҳа, албатта, бахтлиман. Бахтим шундаки, Ўзбекистон фарзандиман!” дея жавоб бердим. Зеро, тинч ва осийишта юрда яшаб, ўзинг севган соҳада ишлаш, хасталикдан фориг бўлиб, уйига қайтаётган кишиларнинг миннатдор сўзларини эшитиш беқиёс бахт эмасми?!

Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан қўлаб юртдошларим қатори мен ҳам мамлакатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Ана шу лаҳзаларда яна бир бор англадимки, бу азиз юртимизда ҳар бир инсон юксак эъзоз, эътибор, эҳтиром оғушида. Бундай эъзоз мени эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида янада тинмай фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Шоҳида **ДАДАМУҲАМЕДОВА**,  
«Шуҳрат» медали соҳибаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Институтда малакавий амалиётни ўтагач, ёзги таътил даврида фойдали иш билан шуғулланиш ниятида эдим, — дейди ўзини Анвар Эргашев деб таништирган талаба. — Кейин “Бунёдкор” меҳнат ҳаракати тузилаётганини эшитиб қолдим ва бу мен учун айна мўдао бўлди. Ҳозир курувчи устала рга ёрдамчи сифатида ишляпман. Бир йилгитга қирқ хунароқ, дейишганидек, курувчилик сир-асрорларини ўргана-япман. Қолаверса, моддий манфаатдорлик томони ҳам бор. Қурилиш ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ, бизга маош ҳам тўлашади.

— Биз таҳсил олаётган билим даргоҳи нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиздаги энг кенжа ўқув юртларидан саналади, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, “Бунёдкор” меҳнат ҳаракати

аъзоларидан бири Умиджон Саидов. — Мустақиллигимиз шарофати билан ташкил топган бу маскан учун, кўриб турганингиздек, 360 ўринли ўқув биноси қад ростлади. Истиқлол байрами кунларида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган янги ўқув би-

## НИЯТЛАРИ ЭЗГУ, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ

носи қурилишига хисса қўшаётганимиздан мамнунимиз.

Умиджоннинг фахрланиб сўзлаши бежиз эмас. Орандан беш, ўн, йигирма йил ўтади. Шаҳарнинг энг кўркем худудларидан бирида қад ростлаган бу муҳташам бинода юзлаб, минглаб ёшлар таҳсил олиб, малакали кадр сифатида эл-юрт равнақига улус қўшадилар, ҳаётда ўз ўринларини топадилар.

Дарвоқе, мазкур илм даргоҳининг яна бир гуруҳ талабалари Когон туманида

жойлашган эллик гектар майдондаги ўқув-тажриба хўжалигида меҳнат қилишмоқда. Уларнинг дам олишлари, унумли ишлашлари учун барча қўлайликлар яратилган.

Шуничи қувончлики, талабалар орасида ташаббускор, интилувчан ёшлар кўп. Акбар Сафаров — ана шулардан бири. Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтида таҳсил олаётган бу йилгит ўз атрофига талаба-ёшларни тўплаб, кичик қурилиш бригадаси тўзди. Ҳозир бу гуруҳ Қорақўл туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишида қатнашмоқда. Қолаверса, улар ўқув биноларини жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини бажаришяпти. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Истам **ИБРОҲИМОВ**,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «ОНАЛАР КҮЙЛАГАНДА»

Қарши шаҳрида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган «Оналар куйлаганда» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган ушбу тадбирда барча туманлардан ташриф буюрган алла, лапар, ёр-ёр, улан ихрочилари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Яқунда Қарши тумани жамоаси мутлақ голибликни қўлга киритди. Эндиликда ушбу

### Танлов

жамоа танловнинг республика босқичида иштирок этиши баробарида, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирларида ҳам ўз дастурлари билан қатнашадилар.

Аҳад **МУҲАММАДИЕВ**,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Хоккейчи қизлар мусобақаси

Самарқанд шаҳрида чим устида хоккей бўйича 1992 — 1993 йилларда туғилган қизлар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилди.

Қизгин ва қизиқарли мусобақада Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги Олимпия захиралари

### Спорт

спорт мактаби жамоаси Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлди. Фарғона ва

Наманган вилоятлари хоккейчи қизлари эса кейинги ўринларни эгаллашди.

Мамадиёр **ЗИЁДИНОВ**,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



### GRUNDFOSNING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси,  
100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй  
Тел.: (+998 71) 150-32-90,  
(+998 71) 150-32-91,  
(+998 71) 150-32-92.  
E-mail: [uzbekistan@grundfos.com](mailto:uzbekistan@grundfos.com)  
Web: [www.grundfos.uz](http://www.grundfos.uz)

- КАФОЛАТ — 2 йил
- СЕРВИС ХИЗМАТИ
- МАСЛАҲАТЛАР

BE THINK INNOVATE

GRUNDFOS

● Реклама ва эълонлар ●

# «Navoiyazot» OAJ

## кўп минг кишилиқ жамоаси

### буюқ ва муқаддас Ватанимиз Истиклолининг 20 йиллиги билан юртдошларимизни қизғин қутлайди!

Таракқиёт сари юз бурган, кундан-кунга чирой очиб, файзу тароватга тўлиб бораётган жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг мустаҳкамланишига муносиб улуш қўшиб келаётган ҳар бир ватандошимизга сиҳат-саломатлик, хонадонига кут-барака, бошлаган ҳар бир ишларида муваффақиятлар тилайди!

### Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 259,8 ▼ - 0,5 ЦЕМЕНТ (пц400 д220) 245,9 ▲ + 3,4 АРМАТУРА 3564,3 ▲ + 109,1 ШИФЕР (1 лист) 14688 ▼ - 1235 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, **UZEX** сўзини **8383** га юборинг.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Ғ. Шералиев.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5